

Тоҳир МАЛИК

**Куёв бола,
сизга айтар
сұзим бор**

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.
Нурли умид ва пок руҳ билан оила қураётган
ардоқли ийгитларимизга атадим.
Ёшларнинг баҳт саройини қуришдаги
чироийли шилларига ҳисса қўёши мақсадини
кўзлаб иш бошлияпмиз, Аллоҳум, Ўзинг
хайрли оқибат бергайсан. Омийн!*

Тоҳир МАЛИК

Куёв бола, сизга айтар сўзим бор



Тошкент
«Turon zamin ziyo»
2015

УДК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

M22

Тохир, Малик

M22 Кўёв бола, сизга айтар сўзим бор: рисола (иккинчи
нашр) / Т. Малик. — Тошкент: «Turon zamin ziyo», 2015,
528 б.

ISBN 978-9943-25-082-6

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг ушбу навбатдаги
китобида оила билан боғлиқ мавзуларда суҳбат боради. Унда адид оиласда
эркак кишининг ўрнига, унинг зиммасидаги масъулият қанчалик улуг
эканлигига китобхон диққатини қаратади. Шунингдек, оиласнинг
тинчлиги, хотиржамлиги билан боғлиқ яна қўп мавзуларда ҳам ёзувчи
ўз мулоҳазаларини баён қилади.

УДК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6

Тақризчи:

Абдугафур Искандар,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-25-082-6

© Т. Малик,
«Turon zamin ziyo»,
Тошкент, 2015

*Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ таолога
иимон келтирган, Ўнинг марҳаматларига
умид қилган ҳолда сўз бошлиймиз.
“Парвардигор қудратининг нишоналаридан
яна бири – сизларни ўз жиснларингиздан
таскин топишларингиз учун жуфтлар
яратди ва ўрталарингизда муҳаббат ва
мехрибонлик пайдо қилди.*

*Парвардигорнинг бу ҳикматларида
фикр қилувчи одамлар учун ажойиб
ибратлар бордир”.*

(Куръони Каримнинг Рум сурасидаги
оят маъносининг таржимаси.)

Муддао

Ассалому алайкум, ардоқли ўғлон! Бугун сиз мунис она-жонингиз мақтаган қиз билан учрашдингиз. Қизнинг ширин сўзлари дилингизни эритди, ширин жилмайиши ақлингизни олди, чироий сизни ўзига ром этди. Сиз шундай гўзал, шундай иболи ва ҳаёли, шундай ақлли ва одобли қизга уйланишини орзу қилиб яшаётган эдингиз, мана, Аллоҳга шукр, ниятингизга етай деб қолдингиз. Бугунга қадар сиз кутлуг оиласининг ардоқли ўғлони эдингиз, энди файзли оиласининг суюкли куёви бўлиш арафасида турибсиз. “Куёвни пайғамбарлар сийлаган”, деган гап бор, шунга кўра, халқимизда сиз кабиларни эркалатиб, “куёв тўра” деб шарафлайдилар. “Куёв тўра”ни “хонадон шаҳзодаси” деган маънода ҳам қабул қилишимиз мумкин. Ҳа, бугун шаҳзода мартабасидасиз, эрта-индин эса, улғайиб “оила” деб аталмиш салтанатнинг султони бўлажаксиз. Тўйдан кейин сиз ҳақингизда сўз кетар бўлса, “турмуш қурди”, дейдилар. Ҳа, оиласи муazzзам саройга, тўйдан кейинги ҳаётни эса шу саройни қуришга ўхшатадилар. Демак, сиз ҳам, суюкли келинпошшамиз ҳам қурувчи мақомидасизлар. Яшаётган уйингизни бобонгиз ёки дадангиз қуриб беришган. Лекин “оила” аталмиш саройни сизларга бирор қуриб бермайди. Фишт терувчи ҳам, сувоқчи ҳам ўзларингиз. Дурад-

гор ҳам, бүйікчи ҳам ўзларингиз. Бошқалар – устоз мақомида “ғиштни бундай тер, түсінни бундай ташла”, деб маслаҳат берадилар холос. Бу маслаҳатлар күпинча дуо күринишида бўлади. Дуолар ҳисоби минглардан, миллионлардан ошса ҳам, ўзингизда бу баҳтга интилиш бўлмаса, етолмайсиз. Амир Темур ҳазратлари бир шаҳарни қамал қилибди. Аъёнлари дебдиларки, – “Эй амирим, дуо қилинг, шу шаҳарни олайлик”. Соҳибқирони акбар бунга жавобан айтибди: “Агар ҳар бир иш фақат дуо билан битса, Бадр жангি бўлмас эди”. Бу жавобда улуф ҳикмат бор. Дуо ижобат бўлмоғи учун банданинг ўзи жону жаҳди билан ҳаракат қилмоғи зарур. Агар сиз баҳт қальясини забт этмоқни ният қилган экансиз, ёпиқ дарвоза олдида тиланчи каби қўл очиб ўтираверсангиз, йиллар давоми емай-ичмай, ухламай, бедорлик билан кўз ёшлиари тўкиб дуо қилиб чиқсангиз ҳам муродингиз ҳосил бўлмайди. Забт этмоқнинг шарти – ҳужум қилиш, тадбир ишлатиш, биринкки ҳамла билан иш битмаса, тушқунликка тушмаслик, сабр қилиш ва кейинги ҳужумга тайёргарлик кўриш.

Қурадиган саройингиз “баҳт” дея шарафланмоғи учун унинг пойдевори – иффат, ҳаё, ғиштлари – сабр ва шукр, девори иймон, томи – ақл ва иродадан; безаклари – фаросат, саховат, меҳрдан иборат бўлиши шарт... Одамлар сизга баҳту омад тилашади, холос. Бирор сизга битта ғишт олиб узатмайди. Аксинча, баҳт саройини қуришингизга ҳалақит берадиганлар ҳам топилади. Агар сиз умрингизни улар билан олишишга сарфласангиз сарой қурилиши чала қолади.

Үйингизда тўй тадориги бошланган. Сизни бу жараён унча қизиқтирмайди. Ақлу хаёлингиз тўй куни келинсалом билан кириб келгувчи гўзалда! У остона ҳатлаши ҳамон назарингизда хонадонингиз осмонида саодат қуёши чараклаб кетадигандай. Илоҳим шундай бўлсин! Лекин... ҳаётни фаслларга қиёслар бўлсақ, тўй кунини эҳтимол, наврўзга ўхшатганимиз жоиздир? У ҳолда баҳор осмонига назар ташлайлик: қуёшли кун ҳам, юлдузли кеча ҳам фусункор. Лекин осмон қуёши юзини тўсгувчи булутлар бор, тўс-тўпалон билан ҳамла қилувчи шамоллар бор, тупроқни титиб юборувчи жалаю дўллар бор...

Сиз ҳаёт баҳоридаги бу ўзгаришларни енгишга тайёрмисиз? Табиатнинг ҳукмини ўзгартиришга инсон зотининг ақли

ҳам, қучи ҳам етмайди: қуёшни осмонга михлаб кўя олмайди, булутларни эски чойшабни қоққандай тозалаш қўлидан келмайди. Ҳаёт баҳорининг осмонига эса сиз умр йўлдошингиз билан бирга ҳукмронсиз. Бу осмонда доимо ҳаловат қўёши порлаб турадими ё булат босиб, сел келадими – икковингизнинг ақл-заковатингизга, тарбиянгизга боғлиқ.

Ақлингиз тўлиша бошлагани билан ҳаёт тажрибаси бобида ҳали анча нўноқсиз. Афсуски, буни тан олгингиз келмайди. Ўзингизни ҳамма нарсани биладигандай, ҳамма муаммоларни бир пасда ечиб ташлайдигандай кўрсатишга ҳаракат қилалисиз. Бу даъвони инкор этманг, хўп денг. Шу сатрларни ёзаётуб, сизнинг хомушроқ чеҳрангизни кўз олдимга келтиряпман. “Хомушроқ” дейишимнинг сабаби, сиз ва сизнинг тенгдошларингизга ёши улугроқ бир киши насиҳат қила бошласа, пешонангизни тириштирасангиз ҳам, нохушлик либосига ўралиб оласиз. Феълингизни билганим учун қўлга қалам олган пайтимда насиҳат қилишини мақсад қилиб қўймадим. Аксинча, сиз билан яқин дўст сифатида суҳбатлашгим келди. Ҳозир қарияларнинг “буғунги ёшлар бузилиб кетяпти”, деган норози гаплари қулоққа чалиниб қолади. Буни сиз ҳам эшитгандирсиз, кўнглингиз оғригандир. Мен муҳтарам оқсоқолларимизнинг бу даъволарини тўғри дея олмайман. Худога шукр, ёшларимиз тўғри йўлдалар. Мехр-оқибатдан узоқлашмаганлар. Агар “бузилиб кетиши” ҳақидаги даъволарини маъқуллаган тақдиримизда ҳам, энди уларнинг ўzlарига даъво қилиб дейишимиз мумкинки: “Азизлар, агар ёшлар бузилиб кетаётган бўлса, демак, бунга биз-катталар айбормиз. Чунки улар бизларнинг азиз фарзандларимиз. Улар осмондан тушгани йўқ. Уларни биз тарбия этдик. Улар бизларнинг гап-сўзларимизни эшитиб, ҳатти-ҳаракатларимизни кузатиб вояга етдилар. Сўканғич бўлсалар, сўкишларни гўдаклик чоғидаёқ унга ким ўргатган? Фийбат хасталиги кимдан юқсан?!”

Ҳа, азиз ўғлон, бундай даъволар чиққан пайтда мен сизларнинг шаънингизни кўксимни қалқон қилиб ҳимоя қиламан. Шунинг учун ҳам сиз билан фойибона бўлса-да, сирдош дўст сифатида юзма-юз ўтирибман.

Ҳақиқат шуки, мен ҳам қирқ йил аввал сизнинг ёшингида бўлганман. Мен ҳам ўзимни ақлли ҳисоблар эдим. Шу

туфайли каттами ё кичикми хатолар қилинган. Озми-кўпми пушаймонлар бўлган. Мен бу гапларни ўз мисолимда айтяпман. Ҳолбуки, эллик-олтмиш ёшдан ошганларнинг барчаси ўтган умрига ўтирилиб қараса, армонли, ҳатто афсусли кунларни қўриши мумкин. Тенгдошлар билан учрашиб ёшлик эсланган дамда хатолар ёдга тушса, “агар катталар тўғри тарбия беришса, шу кўйга тушмас эдим”, деган гапни эшишимиз. Ёки: “биринчи хотиним яхши эди, ота-онам яратиришга астойдил уринишганда яшаб кетардим, кейинги хотиним бошга битган бало бўлди”, деган таъналарни эшишимиз.

Албатта, дадангиз ёки бобонгиз ёки ёши улуг қариндошларингиз сизга ҳаёт сабоқларини беришган. Тарбия ҳам олгансиз. Лекин тарбия – жонли жараён. Бу соҳада етилдим, деб тўхтаб бўлмайди.

Сизга кимдир бирор камчилигингизни айтса, ранжийсиза? Ҳа, ранжийсиз, қўнглингиз фашланади. Агар бу гап қўпчилик орасида айтилса, жаҳлингиз чиқиб, фазаб тошларини ота бошлаганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Бирорнинг камчилигини айтишнинг одоби бор: ёлғиз ўзига ҳилм-мулойимлик билан билдирилиб, бу камчиликдан қутилиш йўллари кўрсатилади. Суҳбатларимиз давомида йигитларнинг камчиликлари ҳақида тез-тез гапиришга тўғри келгани боис, асосий мавзуга ўтишдан олдин бу ҳақда муҳтасар тарзда сўзлашиб олганимиз маъқул.

Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтилса, қўнгил бадан мулкининг подшоҳидир. Кўнгилнинг саломатлиги – баданнинг ҳам саломатлиги, унинг нотоблиги бунинг ҳам нотоблигидир. Донолар демишларким: «Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфандга эмас, ичиндаги кўзгуга боқ». Биз эса... кунда неча бор кўзгуга қараймиз. Қалбимизга-чи?

Аллоҳ таборака ва таоло марҳамат қиласи: «*Аниққи, Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратгандикимиз. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшиштмайдилар. Улар чорва кабидурлар, йўқ, улар (беақи ва бефаҳмикда) чорвалардан ҳам бадтардирлар. Ана ўшалар гафлатда қолган кимсалардир.*» (Аъроф сурасидаги оят

майносининг таржимаси). Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг бу сўзлари биз бандаларни энг муҳим ишдан огоҳ этади. Яъни-ким, мусулмон киши қалбига эътибор бермоғи, қалбини кузатмоғи, қалбини ўнгламоғи ва турли маразлардан сақламоғи жоиз. Кимки ўз қалбини маразлардан сақлашга эътиборсиз экан, унинг билган-бilmagan дардлари янада кўпаяр. Зеро, солиҳ амалларнинг ажри ҳам қалбга боғлиқдир. Пайғамбари-миз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «*Огоҳ бўлинг! Танангизда бир парча гўшт бор. Агар у соғ бўлса, бутун жасад соғдир. Агар у бузилса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинг, у қалбдир!*» – деб бекорга хитоб қўлмаганлар. Ибн Масъуд ҳазратлари деган эканларким: «*Жисмингиз қанчалик соғлом бўлмасин, қалбингиз мараз экан, билингким, Аллоҳ наздида сиз митти қўнғиздан ҳам ҳақиқроқдирсиз*».

Ҳазрат Абу Ҳомид Фаззолий «Мукошафат ул-кулуб» (Қалблар қашфиёти) китобларида дейдиларким: «*Билки, Аллоҳ бир бандасига хайр ато этмоқчи бўлса, унга ўз нафсининг қусур ва айбларини кўра оладиган басират беради. Кимнингки басирати ўткир бўлса, қусур ва айблари ўзига албатта кўринажсак. Киши ўз айбларини билганда эса, уларни даволаш имконига эга бўлади. Лекин, афсуским, инсонларнинг кўччилиги ўз қусур ва айбларини кўрмайди. Аҳвол шундайки, баъзан киши бир мўмин қардошининг кўзидағи тариқдай кирни кўради-ю аммо ўз кўзидағи ёнгоқдай доғни кўрмайди. Кимки ўз нафсининг айбларини кўрмоқчи бўлса, бениҳоя тўғри, басиратли киши билан дўст тутинмоғи жоиз. Токи бу дўст унинг аҳволини, ҳаракат ва атворларини кўз остида тутсин. Зоҳирий ёки ботиний хунук бир феълини кўрса, унга танбеҳ берсин*».

Улуғ алломанинг фикрларига қўшимча қилиб дейиши-миз мумкинки, «басиратли дўст» атамасини китобларга нисбатан ҳам қўлласак бўлади. Бу ўринда китобларнинг энг улуғи, Аллоҳнинг биз бандаларига берган улуғ неъмати – Қуръони Каримни, ҳадиси қудсийни ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) саҳиҳ ҳадислари жамланган китобни ҳамда буларга асосланиб ёзилган доноларнинг битикларини назарда тутяпмиз. Буларни ҳамиша ўқиб юрувчи, тушуниб, тўғри англо-вчи ва ўқиганларига амал қилувчи киши ҳеч қачон адашмайди.

Қадим-қадимдан комиллик мартабасига етганлар шундай йўлни тутганлар, яъни: Куръон ва ҳадисларга амал қилганлар, пок ниятли дўстларининг насиҳатига қулоқ солганлар. Ҳазрати Умар, Аллоҳ ундан рози бўлсин: «Менга айбларимни кўрсатувчи кимсага Аллоҳ хайр берсин!» деб дуо қилар эканлар. У муҳтарам зот қўпинча Солмон Форсийга, Аллоҳ ундан рози бўлсин, мурожаат қилар эканлар. Бир куни «Менинг айб ва қусурларимни айтинг», деганларида Солмон Форсий аввал у ҳазратдан узр сўраб, кейин: «Эшитишмча, дастурхонга икки ҳил зиравор кўйдирашибиз. Бири кундузи, иккинчиси кечаси киядиган маҳсус икки шимингиз бор эмиш?» – дебдилар. Ҳазрат Умар бу дашномни эшитиб: «Булардан бошқа яна айбим борми?» – деб сўрабдилар. Солмон Форсий «Йўқ», – деб жавоб қилганларида у шарафли зот: «Шу иккиси ҳам менга етарли», – деган эканлар. Ҳазрати Умар Ҳузайфадан ҳам, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ўз қусур ва айбларини сўраб турад эканлар. Ҳатто бир куни у кишидан: «Сен мунофиқлар масаласида Аллоҳ Расулининг сирдоши эдинг. Менда мунофиқлик аломатларидан бирон белги кўрасанми?» – деб сўраган эканлар. Ҳазрати Умар қадр-қимматларининг юксаклигига ва мартабаларининг баландлигига қарамай, ўз нафсларини ҳамиша шундай шубҳа остида тутар эканлар. Фаззолий ҳазратлари таъкид этмишлар-ким: «Одам қанчалик ақёли ва даража жиҳатидан юксак бўлса, кибр ва ҳаво жиҳатидан шу даража кичик бўлади. Нафсини энг катта шубҳа остида тутадиган инсон ҳам шудир».

«Лекин, очигини айтганда, бундай хислатларнинг баҳоси ошиб кетди. Жуда оз кишилар бундай феъл-атворларга эгадирлар. Дўсту улфат, ошна-огайнилар орасида бир-бираига лаганбардорлик қилмайдиганлар, бирининг айб ва қусурларини наридан бери ёймайдиганлар, ҳасад қилмайдиганлар жуда озайиб кетди. Дўст-улфат, ошна-огайнилар ичиди, ҳеч шак-шуҳасиз, ҳасадгўйлар, гаразгўйлик билан иши юритиб, айб ва қусур бўлмаган бир ҳаракатингни айб ва қусур деб гап тарқатувчилар ёхуд табиши лаганбардорлиги туфайли қусур ва айбларингни нозингга айтмайдиганлар бор. Мана шундай сабабларга кўра Довуд Тоий инсонлардан ажрашиб кетган эди. Ўзидан: «Нега инсонлар билан оши-қатиқ бўлмайсан?» деб сўралганида у шундай жавоб берганди: «Менга айб ва қусурларимни айтмайдиган инсонлар билан яқин юриб нима қиласман?»

Диндор кишилар учун энг севимли нарса – бошқаларнинг танбехи билан ўз қусур ва айбларидан воқиғ бўлмоқдир».

Мана, буюкларимизнинг ҳоли!.. Афсуски, бизнинг замонамизда ши терсига қараб кетди. Ахвол шу даражага етдики, энди бизларга насиҳат қиласидиган, айб ва қусурларимизни айтадиган кишиларни энг ёмон инсонлар ўрнида кўрадиган бўлиб қолдик. Бу – иймонимиз заифлашганинг аломатидир. Чунки ёмон феъл-атворлар – чақонғич илонлар ва чаёнлардир. Агар либосимиз этагига бир чаён ёпишиб, чақай деб турганда бизга бирор бундан хабар берса, албатта, унга миннатдор сўзларимизни айтамиз, севинамиз ва чаённи чертиб ташлаб, ўлдиришга чоғланамиз. Ҳолбуки, бу чаённинг зарари бадангадир, берадиган азоби эса бир кун, ярим кун давом этади. Ёмон ахлоқнинг қалб соғлигига етказадиган зарари эса қўрқинчлироқдир, ўлимдан кейин эса абадиян ва ё мингларча йил давом этадиган қўрқуликдир. Шуни биламиزم? Билсак, нечун бирор бизга қусур ва айбларимизни айтса, бундан севинмаймиз, бу қусур ва айбларни йўқотиш билан машғул бўлмаймиз. Аксинча, биз ҳам у кимсага насиҳат қилишига киришамиз ва шундай деймиз:

– Ўзинг ҳам шундай-шундай қиласан. Ўзингнинг ҳам шундай қусурларинг бор!

Унинг насиҳатини шу тариқа қабул этамиз ва тескарисини қилиб, орада душманчилик туғилишига сабабчи бўламиз. Бу ҳол – гуноҳлар кўйлиги сабаб бўлган қалб қашиоқлигидандир. Буларнинг асли эса иймоннинг заифлигидандир...»

Ардоқли ўғлон, мазкур сатрларни ўқиб, «Тўғри гаплар...» дегандирсиз? Ҳа, баракалла! Лекин нима учун қўштироқ орасида баён қилдик, шунга аҳамият бердингизми? Гап шундаки, бу акёлли гапларни биз тўқимадик, балки Абу Ҳомид Фаззолийнинг китобларидан кўчирдик. Қаранг, бундан салкам минг йил муқаддам айтилган фикрлар бутунги кунга мос келиб турса? Бу нима, асрлар давомида инсонлар яхшилик сари силжимадиларми? Иймон заифлиги то ҳануз сақланиб қояптими? Йўқ, бундай хуносага бормаслик керак. Бадбинликка берилмоқ ҳам ўринсиздир. Ҳар замонанинг ўзига яраша фазилатлари ва ўзига ҳос қусурлари мавжуд. Бу фоний дунё – имтиҳон дунёси экан, ҳар бир авлод бу имтиҳондан ўзига ҳос тарзда ўтади. Ҳар бир авлоднинг афзалликлари ва гуноҳлари ҳам бўлади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/815> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/815> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/815>